

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 40 (65916)
1996 йил, 12 июнь, чоршанба

Сотувда
эркин нархда

— Молларни тепаликда боқмагин, эшитдингми, узинг ҳам у ерга бора курма, — деб тайинладилар онам.

— Булмаса, бедаси уриб олинган майдон бор-ку, уша ерда боқаман.

— Йук, йук, асло беда-

Бир пайтлар экинлардаги хар хил касалликка қарши турли кимевий дорилар ишлатилган. Масалан, чирмовиқни йуқотиш учун беда уриб олингандан сунг бедапояга турли хил кимевий эритмалар пуркалган. Бу каби захарли кимевий дорилардан фойда-

талабга жавоб бермайди. Исик кунларда бугланиб, ёгингарчилик пайтида тупроқ ювилиб, шамол таъсирида атроф-мухитга салбий таъсир курсатиб, инсон саломатлигига путур етказмоқда.

Бундан ташқари туманимиз экологиясига таъсир кур-

Ёш экологлар бонг уради

мерларнинг табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишмай ишлаётганлиги сабабли катта-катта сув ҳавзалари яқинига молхоналар қуриб, сувни ифлослантириш ҳоллари кузатиляпти. Бундан ташқари Косонсой қирғогидаги ерлар аҳоли яшаши учун булиб берилган. Бу ерда яшайдиган аҳоли сой қирғоқларини чиқиндихонага айлан-

ишлаш корхонаси, ширинлик агрофирмаси ҳамда М. Бозоров фермер хужалиги раҳбарлари билан учрашиб, йул қуйилаётган камчиликлар хусусида баҳслашдик. Ва бу ишлар ижобий ҳал қилинди. Косонсой қирғогидаги чиқиндилар уюмига келсак, ҳозирча маҳалла фаоллари билан суҳбат уюштиряпмиз. Ажаб эмас, ҳашар йули билан у ерни ҳам гулдек яшнатиб қуй-сак. Ахир онажонимиз табиатга меҳримизни бермасак, она дили оғригандек гап. Онанинг дилини оғритганлар эса унгламайдилар.

Баҳром ҲАКИМОВ,
Наманган вилояти,
Тўрақўрғон
туманидаги 13-
мактабнинг 10-
синф
ўқувчиси.

Суратда: «Яшил ва мовий назоратчи»лар гуруҳи аъзолари жойлардан олган суратларини намойиш қилишяпти.
Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

ОНАЖОНИМ ТАБИАТ

зор томонга ҳам ута курма, захарли химикатлар сепилган.

— Тавба, тепаликка бормасам, бедазорга утмасам, молларни қаерда боқаман?— дея уйланиб қолдим.

Онамнинг бунчалик хавотирланишлари сабаби нима экан, дейсизми? Келинг, яхшиси бир бошдан гапириб бера қолай.

Узим мактабимиздаги «Ёш экологлар» тугарагининг аъзосиман. Раҳбаримиз Гиллаҳон опа Ҳамидова бизга ҳамиша табиатни авайлаб-асрашимиз зарурлигини уқтирадилар. Ва, бу йулда биргаликда амалий ишлар ҳам қилдирадилар. Яқинда мактабларда фаолият курсатаётган «Яшил ва мовий назоратчи» гуруҳи аъзолари билан бирга маҳалла ва ташкилотларга йул олдик.

ланиш таъқиқлангандан сунг барча дорилар Тўрақўрғон тумани худудига келтириб кумилган. Бу ерда бир неча йил-

сатувчи омиллардан яна бири саноат корхоналари ва фермалардир.

Туманда фермер хужали-



лардан бери турли захарли химикатлар сақланиб келиняпти. Бу жойлар экологик

гини ривожлантириш борасида купгина ишлар амалга оширилди. Айрим «чаққон» фер-

тириб юборишган.

Қўшма рейдимизда Ибрат жамоа хужалиги, сутни қайта

Шаҳримизнинг соя-салқин кучаларидан бирида 250-болалар боғчаси бор. Боғча байрамона безатилган. Болажонлар бири-бирдан чиройли, ясаниб олишган. Бу ерда шаҳарда биринчи марта боғча болалари уртасида спартакиада мусобақалари утказиляпти. Унда тумандаги 14 та болалар боғчаси кичкинтойлари иштирок этадилар.


Бу байрамга йил давомида ҳозирлик курдик, — деди биз билан булган суҳбатда

боғча мудираси Раъно опа Жафарова. Хар бир боғчага мини-волейбол, чим устида хоккей, кул тупи, ритмик гимнастика, у-шу, футбол буйича мусобақа дастурини юбордик. Боғчаларда гуруҳлар тузилиб, берилган курсатмалар асосида тайёргарлик бошланди.

Спартакиадага Ўзбекистон «Камолот» жамғармаси, ЖБИ заводи, Ёгочни қайта ишлаш

«Дуст» корхонаси каби ташкилотлар ҳомийлик қилишмоқда.

Беллашув тугади. Аммо голиб ҳам, мағлуб ҳам булмади. Иштирокчиларнинг хар бири ажойиб совғалар, совринлар



олдилар. Ота-оналари Чернобилда хизмат қилган 40 нафар кичкинтойга, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ҳам махсус совғалар улашилди. Хар бир боғча тарбияланувчилари тайёрлаб келган концерт дастури шуҳ рақслар, шодон куй-қушиқларга уланди. Болалар бу байрамга жонкуяр тарбиячилари Сабоҳат Исматова, Нигора Соди-

қова, Мухтабар Зиярбекова-лар билан катта тайёргарлик курганликларини намойиш этидилар.

Болажонлар байрамга Халқ таълими булимидан, туман хокимлигидан вакиллар, кичкинтойларнинг ота-оналари ҳам меҳмон булиб келишди. Байрамлари куп мамлакатнинг болалари қувноқ ва хушчақчақ буладилар. Бу байрам эса чин маънодаги саломатлик байрами булди.

Маҳмуда ҲАЙДАРОВА.

САЛОМАТЛИК БАЙРАМИ

Болалар боғчаси ёнидан уга туриб, беихтиёр болакайларнинг шух-шодон қушиқлари қулоғимга чалинди. Сузларнинг танишлиги мени янада сергаклангирди. Шопма, бу Муҳаммаджоннинг шеърларику! Ҳа, адашмадим. Бундай ра-вон, содда ва дилкаш сатрларни фақат Муҳаммаджон Қушоқовгина ёзарди. Мендан ун ёшлар чамаси кичик, ижоди пишик, уз фикрини ярим ҳазил, ярим чин тарзда етказа оладиган бу ижодкорни китоб-

хонлар жуда яхши танишади. Бунинг боиси, Муҳаммаджон катталар учун ҳам, болалар учун ҳам баҳоли қудрат қалам теб-

тобхонлар оммасига яхши та-ниш булган сеvimли шоиримиз газалхон мулла Қушоқ дом-ла Мискиннинг угли булган.

либ, у ерда уз даврининг маш-хур шоиру алломалари жамла-ниб, дийдорлашиб туришарди. Ҳатто бобомиз Фурқат ҳам Тошкентга келганларида мана шу даргоҳда бир неча бор меҳ-мон булганлар. Абдулла бул-

Хотира

яқинини жамлаб, бир китоб қилдириш ниятида Ғ. Гулом номли наприётга тошпира-

МУҲАММАДЖОННИ

ратган. Гарчанд ёзганлари мат-буот саҳифаларида камдан-кам кузга ташланса-да, халқчилли-ги боис, осонгина ё қушиқ, ё ривоят булиб тарқаб кетарди.

Муҳаммаджонга ижодкорлик ота мерос истъдод эди. У ки-

Шоирнинг болалиги Қозибод мавзеида, «Ёнбошариқ» сув буйлари-ю «Улоқт»нинг бағир-ларида утган. Бизларнинг боғ қушнимиз эди. Уларнинг ша-ҳар ҳовлилари қадим Девонбе-ги маҳалласида жойлашган бу-

НЕГА ЭСЛАДИМ?

булдек халқ донишманди ҳам бу ерда бир неча бор мароқли суҳбатлар қурган.

Муҳаммаджон дорилфунун-ни муваффақиятли яқунлаб, қишлоқ мактабларининг би-рида тил ва адабиётдан дарс беради. Мактабда санъатга их-лосманд ёшларни жамлаб, ҳа-васкорлар тугарагини таш-килқилади. Қизиқарли курик-танловлар уюштиради. Жур-налистика соҳаси билан мус-тақил шуғуллана борган шоир кейинчалик «Ёш ленинчи» (ҳо-зирги «Туркистон») газетаси-нинг қишлоқ хужалиги були-мида ишлай бошлайди. Бора-бора уз касбининг етук билим-дони булиб, булим мудири ва-зифасига кутарилади. Фидокор-она меҳнатлари эвазига «Рес-публикада хизмат курсатган маданият ходими» деган ша-рафли унвонга сазовор була-ди.

Муҳаммаджон уз устида ти-нимсиз ишларди. Таниқли хо-нандалар билан ҳамкорликда янги-янги қушиқлар репертуари устида изланарди. У отаси Мискиннинг «Тошкент иро-ғи» каби газалларидан эликка

ди. Афсуски, унинг ниятлари мустажо булмай қолди.

Шу тобда Муҳаммаджон-ни нега бунчалик узоқ эсла-дим? Ярим аср умр қурган хокисор шоиримиздан бола-ларга қолган мерос—қувнок қушиқдандир бу. Орамиздан барвақт кетган Муҳаммад-жон шоиргина булиб қолмай, киши билмас оташнафас, тор-сиз ҳофиз ҳам эди. Гап-гаш-такларда Завқийнинг «Қули-нгни пардалар қилдинг» газа-лини халқ йулида ёниб куйлаб, давраларга файз кир-итарди. Унинг камсуқумли-ги боис ижод маҳсулларини-нг бари чоп этилмаган. Аммо шу биргина қушиқ ҳам Му-ҳаммаджон орамиздан осон йуқоладиган одам эмаслиги-дан далолатдир. Болалар ти-лидан айтилган шу қушиқ ор-қали ҳам уни тирик қурган-дек, суҳбатлашгандек булдим.

Толиб йўлдош.



Биз орзиқиб кутган таътил ҳам бошланди. Уни ҳар ким турлича ут-казади. Санжар билан Жаҳонгир эса...

— Қуйларинг нечта булди? — су-раб қолди бир куни Санжардан Жа-ҳонгир.

— 15 та, нимаиди?

— Вой, менда ҳам 15 та. Сентябрь-гача кимнинг қуйлари купроқ булар-кин? Мусобақалашамизми?

— Бунти, — суюниб кетди Сан-жар.

Дарвоқе, бу кичик «фермер»лар-нинг қуёнлари, хўроз-товуқлари ҳам бор. Уларни ҳам яхши парваришлаб, купайтиришадиган булишди. Шун-дай қилиб икки дуст ишга киришиб кетди. Уларнинг бу гайратидан ота-оналари ҳам мамнун булишяпти. Қуйларни эрталабки ва кечки сал-қинда утлатгани далага олиб чиқи-

шади. Қолган пайтларда эса ўт юлиб, терт қориб, товуғу қуёнлар парвари-ши билан ҳам банд булишади.

Ғолибнинг мукофоти ҳам узи би-лан: куй-қузилар купаяди, гушту-тухум сероб булади.

Дилфуза БОБОЕВА,
4-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Холисхон Ҳакимова, туқувчи қиз Ёркиной Лутфиддинова, «Дуппичи-лик» тугараги аъзоси Нилуфар Хусанова ва «Наққошлик» тугараги аъзоси Уткиржон Қосимовни таб-риклаймиз.

Ойдина ҲАЙДАРОВА,
3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.



Яқинда вилоятимиз болалар ва ус-мирлар ижодкорлик марказида иқти-дорли ўқувчилар курик-танлови бу-либ утди.

Ҳайъат аъзолари энг яхши иш эга-ларини совғалар билан тақдирлашди. «Миллий каштачилик» тугарагидан

— Дилафруз, бугун синглимнинг тугилган куни. Совғамни кечгача битказга оласанми? — суради зорла-ниб Нигора.

— Ҳаракат қиламан. Яхшиси эрта-

роқ келгин, биргалашиб туқиймиз.

Таклиф Нигорага ҳам маъқул бул-ди. Шу баҳона у ҳам туқишга қизи-қиб кетди. Дугонаси билан бирга «Туқувчилик» тугарагига қатнай бош-лади.

Дилафруз ва Нигора сингари ту-қишга иштиёқманд қизларнинг сони таътил кунларида 50 дан ортиб кетди. Улар — Водил қишлоғи атрофидаги 3-, 4-, 18-, 20-мактаблар-нинг ўқувчилари. Санамхон опа Ни-шонова раҳбарлигида узларига ке-ракли кийим-кечакларни туқишмоқ-да. Уз иқтидорларига қараб гуруҳлар-га булиниб ўқиётган Дилафруз Ур-монова, Нигора Содиқова, Гулёра Зокирова, Ёркиной Лутфиддинова кабиларга дугоналарининг ҳавас билан қарашлари ҳам шундан.

Дилфуза ҲАЙДАРОВА,
4-мактабнинг 7- синф ўқувчиси.

ХУНАР БИЛАН ИЛМНИНГ ЎҒРИСИ ЙЎҚ



МЕН ТЎҚИГАН ГИЛАМЛАР ДУНЁ КЕЗСА

— Мақсуда болам, анови Хурсиябонунинг набираси бирам чиройли гиламлар туқияптики, куриб ҳайрон қолдим, ҳавасларим келди-я!

Бувижонимнинг куча дарвозадан кира солиб айтган бу гапларидан нафасим ичимга тушиб кетди. «Наҳотки уларга атаб туқиётганим — жойнамоз гиламча ҳақида биров айтиб қуйган бўлса, «сюрприз» қилмоқчи эдим-а!

Хайрият, хавотирим бекор экан. Менинг гилам туқиш тугарагига қатнашаётганимдан ҳам, бу санъат аллақачон қўлимдан келиб қолганидан ҳам хабарлари йўқ экан. Булмаса қўшнинг набирасини мақтаб утирармидилар.

Совгамни топшириб, бор сирларимни очган куним, бувижонимнинг қувонганларини кўрсангиз эди. Бувимни қувонтирган яна бир нарсам камтарлигим эди. Ахир ҳунарни то урганиб олмаганимча ҳеч кимга айтмаган эдим-да.

Мен қатнашаётган ижодиёт марказидаги гилам туқиш тугарагига қули гул уста Махтар опа раҳбарлик қилдилар. Мабодо бирорта бола иш урганишда қийналса, улар ҳунарнинг йул-йуриқларини жуда содда йул билан тушунтирадилар.

Устозимиз ва бизнинг мақсадимиз худди ота-боболаримиз сингари гиламларимиз довури оламга кетса. Ишончимиз комилки, гиламчилик сингари миллий санъатга кенг йул очилган экан, орзудаги кунлар жуда яқин.

Мақсуда ИБРАГИМОВА.

СЕҲРЛАНГАН ҚИЙҚИМЛАР

— Куй-е, қийқимлар ҳам сеҳрланадими, майда-чуйда матолар кимга ҳам зарур буларди, ташлаб юборамиз.

— Юр Лобар опанинг ёнларига, ажойиб муъжизанинг гувоҳи буласан.

Мен дугонамнинг қистови билан унинг ортидан эргашдим. У айтган бинога етиб келгач, «Қуроқчилик тугараги» деб ёзиб қўйилган эшикни очдик. Хонада муаллима Лобар опадан булак ҳеч ким йўқ экан. Устоз саломимизга алик олгач, утиришга таклиф қилиб, ишида давом этди. Стол устида етти хил рангда товланиб турган парча, атлас, духоба ва бир қанча матолар қийқимларини тез-тез қайчилади, шу ҳолатда битта-биттадан турта буклади, кейин буклокнинг силлиқ бурчагини ташқарига, кесилган, нотекис томонини ичкарига қаратиб, ёнма-ён тахлаб, улаб чиқди. Хаш-паш дегунча четлари арра шаклидаги лентасимон буюм пайдо бўлди.

Лобар опа обдон ишини яқунлаб олгач, бизга суз қотди:

— Мен бажарган ҳаракатларни такрорлаб, яна туққизта худди шунақа лента ясаб, ёнма-ён улаб чиқилса, битта уртачароқ естиққа жилд тайёр булади. Бу ҳунарни ургансангиз, биринчидан исрофгарчиликнинг олди олинади, иккинчидан, йўқдан бор қилганингиз учун уйлағилар санъатингизга қойил қолишади. Чаққонлик, ижодкорлик билан иш тутсангиз оилага ҳам даромад келтиришингиз мумкин.

Мен қуроқчилик тугарагига ана шу кундан аъзо бўлгандим. Машгулотларимиз жуда қизиқарли утади. Уйимиздаги ортиқча матолар, куйлак тикканда четларидан чиққан майда-чуйда қийқимларни олиб келамиз. Қуроқлардан лула естиқлар, чойшаб, чойнак ва қозон қоққоқ ёпқичлари, ҳатто кўрпача, кўрпалар тикдик. Ҳунаримизнинг яна бир қулай томонларидан бири, дастурхон, естиқжилд, кўрпа ва кўрпачалар учун пулга мато сотиб олмайдиган бўлди. Булардан ташқари, биз тайёрлаётган буюмларга харидорлар ҳам топилиб туради. Яқин кунларда машгулотлар пайтида тиккан кўрпачаларимизни яқин орадаги болалар боғчасига совға қилмоқчимиз.

Наргиза ВАФОЕВА.

ПЕШОНА ТЕРИ БИЛАН ТОПДИМ

Бозордан қайтган бувам билан бирга соч-соқоли оппоқ, нуруний бобо кириб келди.

— Болам, ясаган буюмларинг маъқул тушиб, харидор бошлаб келдим, — дедилар бувам менга.

— Карманаданман, — деди меҳмон, — «қулинг» менга маъқул, чойхонамизга унтача хонтахта керак эди, яхши пул тулайман.

Хурсанд бўлиб кетдим. «Бува, қаранг, оиламизга мен ҳам яхшигина даромад келтирадиган бўлдим» дедим ҳазил аралаш мақтаниб.

Ростини айтсам, бундай муваффақият учун марказнинг дурдгорлик тугараги раҳбари Журақул акага раҳмат дегим келади. Ҳунарда уларга тенг келадигани йўқ. Бизга ёғочдан истаган нарсани ясашни курсатиб бера оладилар. Улардан урганиш биз учун мароқли. Лекин кези келганда бир нарсани айтиб утишни истайман. Машгулот утадиган устахонадаги шароит бизни қониқтирмайди. Дастгоҳларимиз эски, таъмирталаб. Уям ҳаммамизга етмайди. Хом-ашени уйимиздан олиб келамиз. Шу ҳақда уйлар эканман, ранжиб кетаман.


Саид ПЎЛАТОВ.

ТАРИХИМИЗНИ ЎРГАНСАК...

Буюк ўзбегимнинг тарихи, жонажон Вагайим, гузал қишлоғим, Карманамнинг тарихи. Жаҳонда тенги йўқ бу тарих менга нақадар азиз ва муътабар. Биз болалар уни қанча кўп урганасак, шунча оз.

Ҳа, мен тарихимизни урганишга қизиқаман. Ўз қизиқишларимдан келиб чиқиб бир таклифни уртага ташламоқчиман. Яъни:

Ижодиёт марказимизда тил ва тарихимизни урганиш бўлимларини ташкил этса булади. Чунки юртимизнинг утмишдагидек буюк қудрати, бебаҳо моддий ва маънавий бойликларини дунёга қайта куз-куз қилиш учун хорижий тилларни пухта урганиш зарур. Бу ерда ҳам инглиз, араб, ҳинд, хитой, япон тилларини урганиш гуруҳлари ташкил этилса, деган орзуим бор. Агар тарихни урганиш тугараги ташкил этилса,



Бухоро, Кармана, унинг атрофида бўлиб утган тарихий воқеалар, шу тупроқда тугилиб устан, жаҳон таниган боболаримиз ҳақида атрофлича урганиб, маълумотлар тўпланса, айни муддао буларди.

Дилфуза АТАУЛЛАЕВА.

Навоийдан
ёзадилар

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛСА...

«Сирли сандиқ» тортишув, «Топқирлар» баҳси, «Бахт кулиб боққанда» куриктанлови, «Соҳибқиронни ким қандай билади?» баҳси. Булар марказимизда яқинда бўлиб утган тадбирлардир. Ҳа, бу жой фақатгина ҳунар ўрганиш масканигина эмас, қизиқарли беллашувлар, турли учрашувлар, мусобақалар утказиладиган даргоҳ ҳамдир. Бу бизга олам-олам завқ-шавқ беради, зеҳнимизни уткирлаштириб, билимимизни пухталаштиради.

Лекин ҳозир мен бир муаммо тугрисида тухталмоқчиман. У ҳам булса — тугарак машгулотлари утадиган хоналаримизнинг қишда иситилмаслигидир. Тугри, марказ раҳбарияти устозларимиз иситиш тизимини яхшилаб беришни илтимос қилиб оталиқ ташкилотларга мурожаат қилдилар. Лекин фойдаси бўлмайди. Мен келгуси қишгача бу муаммо ҳал қилиниб, биз ҳунар урганиб, мустақил давлатимизга кўпроқ фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб етишишимизга шароит яратилса дейман.

Акмал АҲМЕДОВ.

Таҳририятдан: Мана сиз мамлакатимизнинг энг кенжа вилояти навоийлик тенгдошларингизнинг ўз ижодиёт марказлари, унда олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳикояларини ўқидингиз. Ҳатто улар баъзи муаммолар ҳақида ҳам гапириб, ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Уларнинг мулоҳазаларига тегишли мутасаддилар эътибор қаратар, деган умидда шуларни қўшимча қиламиз. Ҳозир бу билим ва ҳунар масканидаги 20 дан ортиқ тугаракда 500 га яқин ўқувчи иштирок этапти. Айниқса «Ёш адабиётчилар», «Ёш рассомлар», дурдгорлик, зардўзлик, тикувчилик тугаракларида болалар катта қизиқиш билан фаолият кўрсатаёптилар.

Азиз болалар, ёш мухбирлар! Олдинда ёз, Сизлар ана шу даврда нималар билан шугулланишни режа қилдингиз, қандай ҳунар-ўрганмоқчисиз, қаерларда саёҳатда бўлиш истагингиз бор? Кўрган-кечирганларингиз ҳақидаги мактубларингизни кутамиз.



«БАҲОР»НИНГ ИККИ НАВНИХОЛИ

Биз адабиётни катта бир боққа қиёслаймиз. Унга кирган ҳар бир инсон боғнинг сархил меваларидан бахраманд бўлади. Табиийки, ҳар ким ўзига маъқул бўлган дарахтнинг ёнига бориб, ундан завқланади, маънавий озуқа олади. Адабиётимиз гулшанида навниҳоллар қанча кўп бўлса, шунча соз. Шерият боғига умид билан кирган ҳар ўқувчи ноумид бўлмайди. Чунки ўзининг дидига, дилига мос «мевалар»ни топа олади. Зеро, адабиёт гулшанида униб-ўсган ҳар бир ниҳолнинг ўз ўрни бор. Агар боғбон яхши бўлса, унинг бўстонидаги бирорта ниҳол ҳам қуриб қолмайди. Ҳосилга кирган дарахтнинг меваси эса турфа хил бўлиши табиий.

Шундай эзгу-ниятлар билан Тўйтепада чиқадиган «Манбъал» номли туман газетаси қошида «Баҳор» деб аталувчи адабий тўғарак ташкил этган эдим. Орадан бир ниҳол ҳосилга киргунча давр ўтди, навниҳоллар нишона кўрсата бошлади. Ҳамид Норкул ва Маъмур Бозор Алилар ана шу тўғаракда вояга етаётган умидли ижодкорлардан. Мен уларга алоҳида таъриф-тавсиф бермоқчи эмасман. Яхшиси, шерларини ўқиб, маъно-маъзини чақиб, ўзингиз баҳо берганингиз маъқул.

Барот ИСРОИЛ

ЗАМИННИ СЕВАМАН

Мени асло қойимасди
Эркаламас эди ҳам,
Шундай вазмин инсон эди
Раҳматлик менинг дадам.
Бир кун тушак тортиб қолди
Ғам қоплади юзини,
Энди куним битди, дея
Айтди сунгги сўзини:
— Уғлим, мен кўп ёруғ кунлар
Тилагандим Худодан,
На иложки, кўнгил доғлаб
Кетар булдим дунёдан.
Сенга олам танитмадим
Очиқ кетар бу кузим.
Энди уғлим бардошли бул,
Тиларман сабр-тузим.
... Нетай, шундай савдолар ҳам
Бор экан-да бошимда,
Отам утиб, етим қолдим
Мен ун етти ешимда.
Гоҳ ҳаётнинг зугумлари
Утиб кетди жонимдан,
Кимдир менга қайишди, ким
Қулиб кетди ҳолимдан.
Гарчи ҳали ниҳол эдим
Эгилдим синмадим,
Умид билан яшайвердим
Орзулардан тинмадим.
Оғир-енгил синовларга
Етди менинг бардошим,
Шунда билдим: оддий эмас —
Тошдан экан бу бошим.
... Ҳаёт асли бир муъжиза —
Ҳайратларда қотаман,
Кечани бола эдим —
Бугун узим отаман!
Юксакларни кузлаганман,
Дилда эзгу аҳдим бор.
Бугун кимлар ҳавас қилар
Бир отадек бахтим бор.
Отам менга мерос қилган
Шу оламни севаман.
Ҳам заминни, ҳам ОНАМНИ
Ҳам одамни севаман.
Отам каби юртим суйдим,



Жоним фидодир унга,
Таъзим қилиб яшагайман,
Тупроғи зар Заминга!
Ҳамид НОРКУЛОВ.

БАҲОР

Илик қуёш тафти уйқусин
бузган,
Кенг далалар бағри қолар
очилиб,
Баҳорнинг нафасин энг аввал
туйган,
Урик оппоқ гуллаб қуяр
шошириб.
Шамолда нозланиб тебранар
терақ,
Шодликдан осмонга теккудек
боши.

Тупроқдан юз очган бир туп
қари тоқ,
Букчайиб нечундир қилар куз
еши.

Дарахтлар яшашнинг завқини
туйар,
Танда оппоқ қони жуш уриб
бирдан.
Умидлари энди куртаклаб
кетар,
Офтоб ҳади этган ҳаётбахш
нурдан.

Этница ранглардан либослар
кийиб,
Яланғоч бу дунё қайта ясанар.
Кузларга ором буп кетади
сингиб,
Замин шодликлари, яшил
майсалар.

Қувонаман бугун теграмга
боқиб,
Бефарах кунларим топади
барҳам.
Мусаффо ҳаволи тонглар
уйғотиб,
Эзгу хислар билан яшайди
олам.

Маъмур Бозор Али.

бошга урар экан. Орадан анча кунлар ўтгач, яна улар учрашиб, шамсия берган:

— Агар ушанда шамсия бермаганимда, ёмғирдан қандай беркинардинг, — деб ул одамнинг бошига яхшилигини яна тўқмоқдек урибди.

Бир марта эмас, икки марта



бир хил таъна!

Шамсия олган охири шамсия олганига юз минг пушаймон булибди. Яна бир кун боғда, ҳовуз буйида учрашиб қолибдилар, ёмон феълли ул одам:

— Менга қара! Уша кун ёмғирда шамсия бермасам, ёмғир

Ибрат

дан қандай беркинардинг, ҳолинг нима буларди? — дебди.

Шамсия олиб юз минг пушаймон булган ул одам ҳеч нима демай, узини ҳовузга ташлабди. Ҳовуздан шалаббо булиб чиқибди ва:

— Мана бундай булардим! Аҳволим мана шундай буларди! Сен узи қандай бадфеъл одамсан? Инсон дустига яхшилик қилмайдими? Озгина яхшилигини миннат қилавериб бошга тўқмоқдек ураверса, қиёмат кун булади-ку! Берганинг омонат бир шамсия-ку узи, — деб тугоқиб, ундан айрилибди.

Шу вақтдан бошлаб яхши одам у билан алоқани узибди.

Бундай ёмон феълли дустлардан, танишлардан худо ўзи асрасин!



Болалар ўқитувчининг олдига югуриб келишди.

— Аҳмад сувга тушиб кетди.
— Уни чиқариб олгандирсизлар?
— Ҳа.
— Сунъий нафас олдирдингларми?
— Анча уриндик, аммо у типирчилаб, юлқиниб қулимиздан чиқиб қочиб кетди.

— Биласанми, бугун мен 16 қаватли бинонинг зинасидан йиқилиб тушдим.

— Омадинг бор экан, тирик қолганингни қара-я!
— Булмасам-чи, мен зинанинг биринчи поғонасида тургандим-да...

— Курдингми, бу қизча ҳали 1 ёшга тулмаган булса ҳам ўқишни билади.

— Унда нега у китобни индамасдан варақламоқда.

— Чунки у ўқишни билади-ю, лекин ёш булгани учун ҳали гапиришга урганмаган.

Ота-онаси уйда йуқлигида кичкина Дилбар сингилчасини чумилтирипти.

— Мана қуряпсанми, — деди у, — мен ҳатто сени чумилтираман ҳам-а?

— Ҳа! — жавоб берди сингилчаси. — Фақат ойм чумилтиришдан аввал туфлимни ечиб қуярдилар.

Циркда кузбоғлагич томошабинлар ичида утирган болани чақиб олиб, деди:

— Ҳой бола, сен мени биринчи бор қуришингми?

— Ҳа, дада.

А. АБДУҒАППОРОВ
тўплади.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон **ОРИФЖОНОВ**,
Омон **МАТЖОН**,
Гулнора **ЙЎЛДОШЕВА**,
Марат **ШАФИЕВ**,
Феруза **ЖАЛИЛОВА**.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Т-0317. 7691 нускада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00. Тоширилади — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

• Телефон: 33-44-25

